1. Ўзбекистон қандай давлат?

2. Ўзбекистон Республикаси Конститутциясига мувофиқ давлат органлари ва мансабдор шахслар кимлар олдида масъул?

3. Конституциявий суд таркиби қандай шакллантирилади?

4. Конституциявий суднинг судьялари қанча муддатга сайланади?

5. Фуқаролар ва юридик шахслар, агар суд орқали ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда кўриб чиқилиши тугалланган муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан қайси органга мурожаат қилиши мумкин?

6. Фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи қайси? {

7. Судьялар корпусининг шакллантирилишини ва суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлайдиган органни кўрсатинг?

8. Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш қайси тилда олиб борилади?

9. Солиқларни жорий қилиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органини кўрсатинг?

10. Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқ қандай ҳуқуқ ҳисобланади?

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолигига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан неча нафардан депутатлар сайланади?

12. Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида кимнинг олдида жавобгар ҳисобланади?

13 Қайси давлат органи давлат органларининг мансабдор шахсларига парламент сўровини юбориш ва парламент назоратининг бошқа шаклларини амалга ошириш ваколатига эга?

14. ............. ижро этувчи ҳокимият органлари ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, уларнинг фаолияти устидан қонунда белгиланган тартибда назоратни амалга оширади? {

15. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ва унинг ўринбосарлари ............. беш йиллик муддатга сайланади?

16. 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси қайси ғоя асосида амалга оширилиши белгиланган?

17. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” қачон ва қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан қабул қилинган?

18. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида коррупцияга оид белгиланган мақсад номи қандай номланган?

19. Коррупция - ......?

А) дўстрларга ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзларни тақдим этиш мақсадида хизмат вазифасидан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш

20. Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мажбурияти қайси давлат органлари фаолиятига тегишли?

21. Манфаатлар тўқнашуви бу - …?

22. ПФ-227-сон Фармонга мувофиқ Судьялар олий кенгашнинг доимий асосда фаолият юритувчи судьялари лавозимига номзодлар тегишли суд судьялари малака ҳайъатлари томонидан тавсия этилиши, бунда Кенгашнинг доимий асосда фаолият юритувчи судьялари лавозимига, қоида тариқасида, судья сифатида қанча муддат ишлаган бўлиши белгиланди?

23. Ўзбекистонда судьялар одоби ва судьялар хулқ-атворига қўйилган талабларни тартибга солувчи асосий ҳужжат қайси?

24. Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги қонунининг 10-моддасига кўра, Киберхавфсизлик соҳасидаги ягона давлат сиёсатини Ўзбекистон Республикаси ..... белгилайди.

25. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни кимлар амалга оширади?

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида фармони қачон қабул қилинган? {

27. ... - судьялар ҳамжамиятининг мустақил органи бўлиб, у судьялар корпусининг шакллантирилишини таъминлайди.

28. Одил судлов академиясида 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб қайси мутахассислик бўйича амалий магистратура дастури асосида ўқитиш ташкил этилади?

29. Одил судлов академиясида таълим қандай жорий этилади?

30. Иш юритиш ҳужжатлари асосан, қайси услубдан фойдаланилади?

31. Тил қандай ҳодиса?

32. Ҳар қандай ҳужжат .....

33. Иш юритиш амалиётида услуб учун хос хусусиятни белгиланг.

34. Расмий услубда асосан қайси гап турлари кенг қўлланилади?

35. Давлат тилида иш юритиш учун нима муҳим ҳисобланади?

36. Баённома-ҳужжатларда қандай маълумотлар мавжуд бўлиайди?

37. Суд-тергов ҳужжатларининг коммуникатив саводхонлиги деганда .... тушунилади.

38. Саводли ёзилган ҳужжат ..... олдини олади.

39. Ҳар қандай миллат тилида сўзлар маълум қоидалар асосида ёзилади. Бу қоидалар йиғиндиси нима деб юритилади?

40. Сиз Академияда муҳим тадбир ташкил қиляпсиз. Тингловчи (судья) маърузачининг фикрига кескин эътироз билдириб, аудиторияда норозилик уйғотмоқда. Сизнинг ҳаракатингиз?

41. Сизга юқори турувчи раҳбар томонидан қисқа муддат ичида бажарилиши имконсиз бўлган топшириқ берилди. Нима қиласиз?

42. Иш жараёнида ҳамкасбингиз сизнинг устингиздан асоссиз равишда раҳбариятга шикоят қилганини билдингиз. Реакциянгиз?

43. Яқин дўстингиз Академияга кирмоқчи бўлган таниши учун "ёрдам" беришни сўраб, моддий манфаат таклиф қилди. Сизнинг позициянгиз?

44. Имтиҳон олдидан тингловчи сизга қимматбаҳо совға бериб, "шунчаки ҳурмат юзасидан" эканини таъкидлади. Нима қиласиз?

45. Ишхонада ҳамкасбингиз тингловчилардан ноқонуний пул олаётганини тасодифан билиб қолдингиз. Сизнинг ҳаракатингиз?

46. Нуфузли шахс қўнғироқ қилиб, маълум бир номзодга "ёрдам беришни" талаб қилди. Рад этсангиз, ишингизга зарар етиши мумкин. Нима қиласиз?

47. Сиз Академиянинг тингловчилари ўртасида сўровнома ўтказдингиз ва натижалар аксариятнинг дастурдан норозилигини кўрсатди. Нима қиласиз?

48. Сиз ўз ишингиз бўйича янги ғоя бердингиз, лекин раҳбарият уни асоссиз рад этди. Кейинги ҳаракатингиз?

49. Иш куни якунланишига 10 дақиқа қолганда, эртага эрталаб тайёр бўлиши керак бўлган муҳим ҳисобот топширилди. Нима қиласиз?

50. “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиқлигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-227-сон Фармонига мувофиқ номзодни судьяликка сайлашда қандай ўзгартириш киритилди?